

Қизлар –сизлар зуккосизлар!

Бухоро муҳандислик - технология институти “Машинасозлик технологияси” кафедраси профессор - ўқитувчилари томонидан Технологиялар ва жиҳозлар (машинасозлик) йўналиши талаба қизлар ўртасида маънавий - маърифий тадбир ташкил этилди. Ушбу тадбирда иштирок этган фаол талаба қизлар тақдирландилар.

Тадбир мавзуси “Қизлар сизлар - зуккосизлар!” деб номланиб, ушбу тадбир ёшларни маънан юксалиши, онги ва тафаккурини янада ўстириш, ёшлар ўртасида ахлоқий тарбияни шакллантириш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш асосий мақсад қилиб олинди.

Тадбирни кириш сўзи билан “Машинасозлик технологияси” кафедраси катта ўқитувчиси С.Ю.Адилова очиб бердилар. Иштирокчи талаба - қизларга омад тилаб сўзни бошловчиларга берди. Бошловчилар тадбир сценарийси бўйича тадбирни давом эттирди.

Иштирокчи қизларимиз ўзларининг бор маҳоратларини намойиш қилиб ҳар бир шарт бўйича ўзларини кўрсата олдилар. Қизлар ўзларининг зукколиклари, орасталиклари, хушмуомалали, қобилиятли эканликлари билан бир-бирларидан ошиб тушдилар.

Ҳар бир шарт бўйича қизларни баҳолашда ҳакамлар ҳайати қизларга одилона ёндашдилар ва кузатиб турган талабалар томонидан ҳам иштирокчиларни олқишлаб турилди.

Иқтидорли талаба Технологиялар ва жиҳозлар (Машинасозлик) йўналиши гуруҳ талабаси Исматова Феруза ушбу танловда ғолибликни қўлга киритиб “Энг ораста қиз” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди ва фахрли ёрлиқ билан тақдирланди.

Тадбир якунида “Машинасозлик технологияси” кафедраси стажёр-ўқитувчиси Д.Ҳ.Абдуллаева сўзга чиқиб тадбирга иштирок этган барча устоз – мураббийлар, талаба ёшларга миннатдорчилик билдирдилар. Иштирокчи қизларимизни келажакдаги ўқиш ва ишларига муваффақиятлар тиладилар ва куйидаги шеър билан тадбирни якунлади:

Қиз йўқ уйда сарин сабо эсмайди,
Қиз йўқ уйда жанбил райҳон ўсмайди.
Ўғилларнинг ота билан иши йўқ,
Қиз отасин ҳар қадамда ўйлайди.
Умр дарё толега ким кафилдир,
Қизнинг борар жойи бўлак соҳилдир,
Қиз дардига етмаганлар ғофилдир.
Қиз бор уйда бордир юзингиз
Қай ўғилдан камдир айтинг қизингиз!

Тадбирда институт маънавий –маърифий ишлар бўйича проректор доцент Р.О.Ҳайитов, институт хотин –қизлар қўмитаси раиси М.У.Рустамова, “Машинасозлик технологияси” кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамда институт талабалари иштирок этдилар.

Тадбир ташилотчилари: “Машинасозлик технологияси” кафедраси ўқитувчилари С.Ю.Адизова ва Д.Ҳ.Абдуллаевалар.



